# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

*(Боши 2-бетда)*

Адабий таълим мазмунининг асосий йўналишлари: халқ оғзаки ижоди намуналари, мумтоз адабиёт асарлари, ҳозирги замон адабиёти намуналари, адабиёт назариясига оид маълумотлар.

Адабиёт ўқув фанидан таълим олиш жараёнида ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналаридан, ўзбек халқининг бой адабиётидан баҳраманд бўладилар, уларда бадиий дид, нафосат ҳисси ривожланади ҳамда турли жанрдаги асарларни идрок этиш кўникмаси таркиб топади.

**Таълим рус тилидан бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда рус тили таълим соҳаси**

Таълим рус тилидан бошқа тилда олиб бориладиган мактабларда рус тили таълим соҳаси учун 510 ўқув соати ажратилган.

Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| Йиллик ўқув соати | 102 | 102 | 102 | 102 | 102 | 510 |

Таълим рус тилидан бошқа тилда олиб бориладиган мактаблардан рус тили таълим соҳаси рус тили воситасида ўқувчиларнинг дунёқараши, фаол ҳаётий ўрнининг шаклланишини; инсоний аҳлоқий сифатларни тарбиялашни; фаол (1750 бирлик) ва пассив сўз бойлиги, фразеологик минимумни ўрганишни; таянч фонетик, орфоэпик, сўз ҳосил қилувчи, орфографик ва грамматик кўникмаларни эгаллашни; рус тилида мулоқот қила олиш малакаларини ўзлаштиришни; монологик ва диалогик нутқ воситаларини қўллаган ҳолда турли ҳолат ва вазиятларда ўз фикрини баён қила олиш, баҳслашувларда ўз фикрини ҳимоя қила билиш, рус тилидаги турли жанрдаги (илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий) матнлардан керакли ахборотларни олиш, уларни жамоат ва касбий мажбуриятларини бажаришда қўллашни ўрганишни таъминлайди.

Нутқ материалларини ўзлаштиришда сўз ва нутқнинг шакли ва тузилишининг тўғри қўлланишига, уларнинг шакл ва тузилишини ўрганишда сўз маъносининг универсал типлари, шунингдек нутқ этикетини ўргатишга алоҳида эътибор берилади.

Рус тили таълими мазмунини бойитиш мақсадида адабий ўқиш дарслари жорий қилинади. Улар ўқувчиларнинг сўзлаш ва фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга, эмоционал-образли нутқни ривожлантиришга, ўқувчи шахсининг маънавий-ахлоқий имкониятларини шакллантиришга қаратилади. Шунингдек, адабий ўқиш дарслари ўқилган манба билан боғлиқ элементар назарий-адабий тушунчалар, ўлкашунослик ва маданиятшуносликка оид ахборотларни ўргатишни ҳам назарда тутади.

**Хорижий тиллар таълими соҳаси**

Таянч ўқув режасида хорижий тилларга 510 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 15 |
| Йиллик ўқув соати | 102 | 102 | 102 | 102 | 102 | 510 |

Чет тилдаги сўзлар: ўқилган матнни тушуниш учун 2000 сўз бирлиги ((СБ))дан, нутқий материал оғзаки нутқда қўллаш учун чет тилидаги камида 700-800 фаол ((СБ)) минимуми ва ўқиш учун, ўқилган ёки эшитилганни тушуниш учун камида 2000 ((СБ)) минимуми; тил материалини таҳлил қилишга хизмат қиладиган грамматик билим ва қоидалар; оғзаки нутқ фаолиятининг турли шакллар (сўзлашиш, гапириш, ўқиш, эшитиш) эгаллашга имкон берувчи малака ва кўникмаларни тарбиялаш;

оғзаки нутқ фаолиятининг турли кўринишларида мулоқот кўникмаларини эгаллаш учун ўқувчилар қуйидаги нутқий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар;

- талаффуз, оҳанг, графика;
- нутқнинг сўз жиҳатлари: самарали ўзлаштириш, оғзаки нутқни ривожлантириш учун лозим бўлган 800 (СБ), шу жумладан, сон, олмош, кўмакчи, боғловчи; ўқувчининг сўз бойлигини кенгайтириш учун сўз ҳосил қилиш воситаларини билиш; нутқнинг грамматик жиҳатлари - ҳам самарали, ҳам рецептив ўзлаштириш учун грамматик материал; синтаксис (оддий ва қўшма гаплар); морфология - сўз туркумлари: от, кўмакчи, равиш, феъл; феъл боғланишлар ҳақида тушунча, феълнинг ҳозирги замон, ўтган замон, келаси замон шаклларини ҳосил қилиш ва қўллаш.

**Тарих таълими соҳаси**

Тарих таълими соҳасига 442 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 | 13 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 102 | 102 | 102 | 442 |

Тарих таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари:

Жаҳон ва Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар, ибтидоий давр тарихи, қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, ҳозирги давр тарихи, мустақил Ўзбекистон тарихи.

Тарих таълими жараёнида ўқувчилар ватанимиз ва маданиятимизнинг ўтмиши, ўзбек халқининг замонавий ҳаёти ва турмуш тарзи, аждодларимизнинг узоқ асрлар давомида қолдирган бой маънавий меросини ўрганадилар.

**Давлат ва ҳуқуқ асослари таълими соҳаси**

Давлат ва ҳуқуқ асослари таълими соҳасига таянч ўқув режасида VIII-IX синфлар учун 68 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 1 | 2 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 34 | 68 |

Давлат ва ҳуқуқ асослари таълими соҳасининг мазмуни ўқувчиларнинг бошланғич ҳуқуқий билимларини шакллантиришга йўналтирилган.

Давлат ва ҳуқуқ асослари таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тараққиёти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳуқуқ ҳамда тенг ҳуқуқлилик тушунчасининг ривожланиши, жиноят ва жиноятчилик, давлат чегаралари, давлат суверенитети, ҳуқуқий давлат асослари, суверен давлатнинг халқаро ҳуқуқлари, фуқаролик тушунчаси, Ўзбекистонда давлат бошқаруви.

**Иқтисодий билим асослари таълими соҳаси**

Иқтисодий билим асослари таълими соҳасига таянч ўқув режасида VIII-IX синфлар учун 68 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 1 | 2 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 34 | 68 |

Иқтисодий билим асослари таълими соҳасини ўрганиш натижасида бозор иқтисодиёти, янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг тамойиллари, иқтисодиётнинг янги структураси ҳақида билим берилади, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Иқтисодий билим асослари ўқув фани мазмунининг асосий йўналишлари: бозор иқтисодиёти, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шарт-шароитлари, Ўзбекистон иқтисодиётининг янги структураси (саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тадбиркорлик), мактаб хўжалиги унсурлари, фойдали ва унумли меҳнат.

**Математика таълими соҳаси**

Математика таълими соҳасига ўқув режасида V-IX синфлар учун 850 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 | 25 |
| Йиллик ўқув соати | 170 | 170 | 170 | 170 | 170 | 850 |

Математика таълими соҳаси ўқувчилар онгида сон тушунчасини кенгайтириш, улар устида арифметик амалларни бажариш, тенгламалар ва баъзи геометрик тушунчаларни баён қилиш, шунингдек, ясашга доир содда масалалар ҳамда юзаларни ҳисоблашга йўналтирилади.

Математика таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: натурал сонлар ва ноль, касрлар ва уларнинг хоссалари, нисбат ва пропорциялар, фоизлар, бутун сонлар, рационал сонлар, ҳақиқий сонлар, мутлоқ ва нисбий хатоликлар, тақрибий қийматлар, квадрат илдиз, ифодаларни шакл алмаштириш, тригонометрик функциялар, асосий тригонометрик қийматлар, келтириш формулалари, арифметик ва геометрик прогрессиялар, тенглама ва тенгсизликлар, функциялар, уларнинг графиги ва хоссалари, геометрик шакллар ва уларнинг хоссалари, геометрик катталикларни ўлчаш, кесма, нуқталар орасидаги масофа, бурчак, параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқлар, учбурчак, Пифагор теоремаси, синус ва косинуслар теоремаси, кўпбурчаклар, айлана ва доира, вектор, стереометрия унсурлари, содда кўпёқлилар, шар, цилиндр, конус.

**Информатика таълими соҳаси**

Информатика таълими соҳасига ўқув режасида VIII-IX синфлар учун 102 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 2 | 3 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 68 | 102 |

Информатика таълими соҳаси ўқувчиларда алгоритм, компьютер ва замонавий ахборот технологиялари ҳақида тасаввурларни ҳамда турли масалаларни ҳал этишда компьютердан фойдаланиш қоидалари ва усулларининг оддий кўникмаларини шакллантиришдан, шу билан бирга, республикамиз ижтимоий ҳаётида замонавий ахборот технологияларининг тутган ўрни, аҳамияти, уни жамиятимиз ва фан-техника тараққиётига таъсири, ривожланиш истиқболлари билан таништиришга йўналтирилган.

Информатика таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: ахборот, компьютер, алгоритм ва унинг ижрочиси, замонавий компьютер техникаси, тасвирлаш, кодлаш, ўлчаш ва қайта ишлаш усуллари, замонавий ахборот технологиясининг аҳамияти ва тараққиёти, дастур ва дастурлаш тиллари, операторлар, интеграллашган тизимлар, автоматлаштирилган ишчи жойи ва бошқариш тизимлари, қоғозсиз ахборот технологияси.

**Физика таълими соҳаси**

Физика таълими соҳасига ўқув режасида VI-IX синфлар учун 272 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 68 | 68 | 272 |

Физика таълими соҳасида классик ва ҳозирги замон физикаси, шунингдек, астрономия унсури сифатида коинот физикасидан ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини ривожлантириш, ижтимоий турмушда ва ўқишни давом эттиришлари учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари таъминланади.

Физика таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари:

физик ҳодисалар (ёруғлик, иссиқлик, товуш, жисмларнинг ҳаракати, электр ҳодисалари) ҳақида маълумотлар, механик ҳаракат (кинематика, динамика, суюқлик ва газлар механикаси асослари, тебраниш ва тўлқинлар), молекуляр физика (модданинг агрегат ҳолатлари, иссиқлик ҳаракати, термодинамика асослари), электр (электр заряди, электр майдони, ток кучи, кучланиш, қаршилик, токнинг иши ва қуввати, электромагнит ҳодисалари), ёруғликнинг тўлқин ва корпускуляр хусусиятлари, атом ва ядро физикаси асослари, коинот физикаси.

**Кимё таълими соҳаси**

Кимё таълими соҳасига ўқув режасида VII-IX синфлар учун 204 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 2 | 6 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 68 | 204 |

Кимё таълими соҳасини ўқитиш жараёнида керакли кимёвий билим ва амалий малакалар шакллантирилиши таъминланади. Кимё таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: кимёвий тушунчалар, модда, молекула ва атомлар, анорганик бирикмалар. Кимёвий унсурлар даврий қонуни ва даврий системаси, кимёвий боғланишлар ва модда тузилиши, кичик даврдаги айрим унсурларнинг умумий тавсифи, электролитик диссоциацияланиш назарияси, металлар ва металлмаслар, органик моддаларнинг тузилиш назарияси, полимерлар, кимё таълимида экологик таълим-тарбия.

**Биология таълими соҳаси**

Биология таълими соҳасига ўқув режасида VI-IX синфлар учун 272 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 2 | 2 | 8 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 68 | 68 | 272 |

Биология таълими соҳасини ўқитиш жараёнида фундаментал назариялар асосида биологиядан мунтазам билим олиш, шунингдек, ўқувчиларни муайян даражада мантиқан тугалланган билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари таъминланади.

Биология таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари:

ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, умумий биология курслари мазмунидаги асосий биологик қонунлар ва назариялар, тирик организмларнинг умумий белгилари, тузилишидаги ўзига хосликлар, тирик организмларнинг турли-туманлиги, асосий изчил гуруҳлар, тирик организмлар ҳаёти ва фаолиятидаги асосий жараёнлар, организмлар, турлар, табиий системаларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, биологиянинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни.

**Табиёт ва география таълими соҳаси**

Табиёт ва география таълими соҳасига ўқув режасида V-IX синфлар учун 340 ўқув соати ажратилган. Шундан V синфда ўқитиладиган табиёт ўқув фанига 68 ўқув соати ва VI-IX синфларда ўқитиладиган география ўқув фанига 272 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 10 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 | 340 |

Табиёт ва география таълими ўқувчиларда олам тузилиши ва Ер ҳақидаги илмий дунёқарашларни шакллантиришга, ижтимоий-иқтисодий билимларни таркиб топтиришга, дунё давлатлари, турли регионлардаги жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объект, жараён ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар беришга йўналтирилган. Бу эса Ер куррасининг табиий манзараси, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш воситалари ва усуллари ҳақида мантиқий фикрлашга ўргатади.

Табиёт ва география таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: табиат ҳодисалари, жисм ва моддалар, табиатда куч ва энергия, коинот, глобус, режа ва харита, Ер шари ва унинг қобиқлари табиати, Шарқнинг буюк мутафаккирлари: Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Бобурнинг табиёт ва география соҳасидаги изланиш ва кашфиётлари, табиат комплекси ва зоналари, дунё аҳолиси ва сиёсий харитаси, материклар (табиий географик ўрни, тадқиқ этилиши, рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, ички сувлари, табиат зоналари, аҳолиси ва давлатлари), океанлар табиати, умумий географик қонуниятлар, Туркистон табиий-географик ўлкаси ва Ўзбекистоннинг умумий табиий-географик таърифи (геологик тузилиши ва рельефи, иқлими ва ички сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси), Туркистон табиий-географик ўлкаси ва Ўзбекистон ҳудудининг табиий-географик районлаштирилиши, иқтисодий географик тушунча, қонуният ва жараёнлар, географик ўрин, табиий шароит ва табиий ресурсларнинг иқтисодиётга таъсири, Ўзбекистоннинг географик ўрни, Ўзбекистон табиий шароити ва табиий ресурсларининг иқтисодиётдаги аҳамияти, Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ўзига хослигининг сабаб ҳамда оқибатлари, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлараро мажмуалари, иқтисодиётнинг ҳудудий ташкил этилиши ва иқтисодий районлаштириш тамойиллари, Ўзбекистоннинг барча (8 та) иқтисодий географик районидаги ихтисослик тармоқларининг жойлашиш ва ривожланишига хос хусусиятлар; жаҳоннинг умумий иқтисодий географик тавсифи, дунё сиёсий харитаси, жаҳоншумул табиий бойликлар ҳамда экологик муаммолар, дунё аҳолиси ва жаҳон хўжалиги, мамлакатларни тараққиётига кўра гуруҳлаш мезонлари, жаҳон давлатларининг регионал тавсифи.

**Чизмачилик таълими соҳаси**

Ўқув режасида VIII-IX синфлар учун Чизмачилик таълими соҳасига 68 ўқув соати ажратилган. Уларнинг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 1 | 2 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 34 | 68 |

Чизмачилик таълими соҳасининг мазмуни ўқувчиларда графиқ саводхонликни шакллантириш, чизмачилик асбоблари ва жиҳозлари билан ишлаш, кўникма ва малакаларини; эгри, тўғри, оғма чизиқлар ўтказиш, берилган намуна ва чизмалар асосида деталларнинг чизмаларини чизиш малака ва кўникмаларини таркиб топтиришга йўналтирилган.

Чизмачилик таълими соҳасининг асосий йўналишлари: чизмаларни тайёрлаш қоидалари билан таништириш; проекцияларни қуриш усулларини эгаллаш, йиғиш чизмаларининг қисм ва деталларини график тасвирлаш, қурилиш, техник чизмачилик асослари; эскизлар, схемалар (кинематик ва электрик), диаграммалар, графикларни чизиш ва уларни амалда қўллаш.

**Тасвирий санъат таълими соҳаси**

Тасвирий санъат таълими соҳасига ўқув режасида V-VII синфлар учун 102 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | Жами |
|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 1 | 1 | 3 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 34 | 34 | 102 |

Тасвирий санъат таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари: борлиқни ва санъатни идрок этиш, тасвирий санъат турлари ва жанрлари, натурага қараб тасвирлаш, композиция, бадиий қуриш-ясаш, рангшунослик.

Тасвирий санъат таълими соҳасидан ўтказиладиган машғулотлар ўқувчиларда бадиий-ижодий қобилиятларни, ташаббускорликни, атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни тушуниш, кузатиш асосида олинган тасаввур ва тушунчаларни ривожлантириш, болаларда кўриш хотираси, чамалаш қобилияти, ранг сезиш, композицион маданият, фазовий фикрлаш, образли тасаввур ҳамда комбинациялаш каби хислатларни ривожлантиришга йўналтирилади.

**Мусиқавий маданият таълими соҳаси**

Адабий таълим мазмунининг асосий йўналишлари: халқ оғзаки ижоди намуналари, мумтоз адабиёт асарлари, ҳозирги замон адабиёти намуналари, адабиёт назариясига оид маълумотлар.

Адабиёт ўқув фанидан таълим олиш жараёнида ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналаридан, ўзбек халқининг бой адабиётидан баҳраманд бўладилар, уларда бадиий дид, нафосат ҳисси ривожланади ҳамда турли жанрдаги асарларни идрок этиш кўникмаси таркиб топади.

Мусиқавий маданият таълими соҳасига ўқув режасида V-VII синфлар учун 100 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | Жами |
|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 1 | 1 | 1 | 3 |
| Йиллик ўқув соати | 34 | 34 | 34 | 102 |

Мусиқавий маданият таълими мазмунининг асосий йўналишлари: мусиқа ва мусиқий асарлар, уларнинг турлари, ўзбек халқ чолғу асбоблари, ўзбек миллий қўшиқчилиги, мусиқий атамалар.

Мусиқавий маданият таълими соҳаси машғулотларида ўқувчиларда миллий нафосат, қадриятларга ҳурмат ҳисси таркиб топтирилади; ўзбек қўшиқчилиги, халқ чолғу асбоблари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади; қўшиқ айтиш ва ижрочилик кўникмалари таркиб топтирилади.

**Меҳнат таълими соҳаси**

Меҳнат таълими соҳаси ўқув режасида V-IX синфлар учун 272 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соати | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 8 |
| Йиллик ўқув соати | 68 | 68 | 68 | 34 | 34 | 272 |

Меҳнат таълими соҳасини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар ишлаб чиқариш асослари, техник ҳамда маиший хизмат, ахборот технологияси, материалларга бадиий ишлов бериш асосларидан билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Меҳнат таълими соҳаси мазмунининг асосий йўналишлари:

ишлаб чиқариш асослари (ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат ва бошқалар); техник меҳнат, хўжалик юритиш маданияти, оила иқтисодиёти, тикувчилик технологияси, озиқ-овқат технологияси, ахборот технологияси, материалларга бадиий ишлов бериш, ижтимоий ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги касб-ҳунарларга йўналтириш.

**Жисмоний тарбия таълими соҳаси**

Таянч ўқув режасида V-IX синфларда жисмоний тарбияга 340 ўқув соати ажратилган. Ўқув соатларининг синфлар бўйича тақсимоти қуйидагича:

| Синфлар | V | VI | VII | VIII | IX | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик ўқув соатлари | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 10 |
| Йиллик ўқув соатлари | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 | 340 |

Жисмоний таълим мазмунининг асосий йўналишлари:

гигиена қоидалари, овқатланиш ва ҳаракат қилиш режими, хавфсизлик қоидалари, гимнастика, сафланиш машқлари, югуриш машқлари, мувозанатни сақлаш машқлари; осилиш ва таянишлар, акробатика, сакраш, кураш унсурлари ( ўғил болалар учун), енгил атлетика, сузиш, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари.

Жисмоний тарбия жараёни ўқувчиларга уларнинг саломатлиги, жисмоний камолоти, жинси ва ҳаракатчанлик даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга индивидуал ёндашишни, ўқув машғулотларига қизиқишни орттиришни таъминлашга йўналтирилади. Шу йўл билан ўқувчиларда жисмоний тарбия билан мустақил шуғулланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг жисмоний фазилатларини ўстириш амалга оширилади.

**2.3. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйиладиган талаблар**

**А. Билимларни ўзлаштириш даражаларига қўйиладиган талаблар.**

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти, унинг ҳосиласи - стандартлаштирилган таълим соҳаси (ўқув фанлари) бўйича ўқувчиларга тақдим этиладиган билимлар ҳажмигина эмас, балки ўқувчи томонидан эгалланган билимларни муайян кўникма, малакалар орқали қўллай олиш даражасини ифодаловчи ўзлаштириш имкониятларини акс эттиради.

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган ўқув кўникмалари қуйидагилардан иборат:

- репродуктив ягона типдаги кўникма;
- мантиқий ва реконструктив кўникма;
- муаммоли вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ижодий кўникмалар.

Кўрсатиб ўтилган кўникмалар таълим жараёнида барча ўқувчиларда шакллантирилади.

Ўзлаштирилган репродуктив билимларнинг минимал даражаси билимларнинг дастлабки фондини белгилайди. Ўқувчилар бу билимларни қўллаган ҳолда мураккаб характердаги мантиқий ҳамда ижодий вазифаларни ҳал этишга киришадилар. Бундай вазифаларни қўйиш ўқувчилардан нафақат мавжуд билимларини чуқурроқ англаш,
балки етишмаётганларини эгаллашларини ҳам талаб этади.

Муайян билимларни ўзлаштириш жараёни таълим натижасининг сифатини ўлчашга бўлган ёндашувда ҳам ўз ифодасини топади. Бу айниқса, умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти талабларида намоён бўлади.

«Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти»нинг мазмуни билимлар ҳажми ва ўзлаштирилган материалларнинг ҳажми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

I даража репродуктив даражада (Рп) ўзлаштирилган мазмуннинг минимал ҳажми;

II даража асосий дастурни реконструктив даражадаги (Pk) эгаллаган билимлар билан ортда қолдириш;

III даража асосий дастур билимларини қўшимча жадаллаштирилган даража материалларини жалб этган ҳолда ижодий қўллаш (Т).

Ҳар бир таълим соҳасининг ўзига хос мақсади ва мазмунини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган ва исталган чегарада ўзгартирилиши, алмаштирилиши мумкин. Масалан, I даража репродуктив ва қисман реконструктив типдаги вазифаларни қамраб олиши мумкин. II асосий даража мантиқий вазифаларга асосланган ҳолда ўзида олдинги ва кейинги даражадаги вазифаларни қамраб олиши мумкин. У ёки бу даражани ўзлаштиришнинг зарур даражаси таълимнинг турли босқичларида ўзгариб туриши ўрта таълим давлат таълим стандартида қайд этилади ва тартибга солинади.

Б. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш.

Давлат таълим стандартида таълим натижаларини ўлчашнинг баҳолаш тизими билан боғлиқ бўлган ягона механизми жорий этилади. Баҳолаш вариантларидан бири - ўқувчиларнинг билим ва
кўникмаларига қўйиладиган ўртачалаштирилган талаблар (вазифалар типлаштириб ва аралаш тарзда берилади) - назорат тест топшириқларидир. Таълим сифатини баҳолашнинг шу тариқа қўйилишида ўқитувчи УЎТ ДТСга суянади.

УЎТ ДТСда белгиланган ҳар бир даражадаги билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар олдиндан белгиланганлиги ва ўқувчиларга маълум қилинганлиги назоратнинг объектив, ошкора бўлишини таъминлайди.

Баҳолашнинг бундай тизими рағбатлантирувчи ҳисобланади, чунки ўқувчи у ёки бу таълим соҳасини қўшимча ўрганиш ҳисобига нисбатан юқорироқ баҳо олиш имконига эга.

Таълим натижасининг сифатини баҳолашнинг таклиф этилаётган тизими баҳолашнинг объектив тизими эканлиги билан бир қаторда 9-синфни битирувчи ўқувчилар билимига қўйиладиган талаблар билан академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттирадиган талабалар билимига бўлган талабнинг узвийлигини ҳам таъминлайди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг кириш имтиҳонлари умумий ўрта таълим босқичида муайян таълим соҳасидан тақдим этилган юқори даражадаги билимларнинг ўқувчи томонидан қай даражада эгалланганлигини назорат қилиш ва баҳолаш асосида ташкил этилади.

Шу соҳа ўқув фанларини жадаллаштирилган даражада ўзлаштирган ўқувчилар қандай мактабда ўқиганларидан қатъий назар, ҳақиқатда рақобатбардош абитуриентга айланадилар. Шу тариқа УЎТ ДТСда белгиланган ҳар бир шахс таълимни давом эттириш ҳуқуқини амалга ошириш, битирувчиларни ижтимоий ҳимоялаш имконини беради.

В. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилиш.

Ўқувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини объектив баҳолаш учун унификациялаштирилган (бир меъёрга келтирилган) ўлчов бирликлари ва аниқ кўрсаткичлар тизими қўлланилади. Назоратнинг йўналишлари ва хусусиятлари қуйидагиларга боғлиқ:

- умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув фанларининг номенклатураси (рўйхати) га;
- битирувчи синфлари (IV-IX) нинг хусусиятига;
- қўлланилаётган дастур ва дарсликларнинг турли-туманлигидан қатъий назар, назоратнинг умумий талабини таъминлашига;
- ҳар бир ўқувчи эришиши зарур бўлган умумий таълим тайёргарлигининг минимал зарурий даражасига.

Умумий таълим тайёргарлиги даражасини назорат қилиш методикаси ва уни ташкил қилиш, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун ошкора бўлмоғи лозим (бу қўлланилаётган мезонлар, асосий кўрсаткичлар, текширув ишларининг ҳажми, текширув материалларининг тахминий мазмунини қўллаш имконини беради).

Ўқувчиларнинг умумий таълимдан тайёргарлигининг умумий кўрсаткичлари (натижалари) қуйидагилардан иборат:

- билим, малака ва кўникмалар даражаси;
- ижодий фаолият тажрибасининг шаклланганлик даражаси (бу натижа муаммоли характердаги топшириқ ва вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир);
- борлиққа ҳиссий-қимматли муносабатнинг шаклланганлик даражаси;
- ўқувчининг тарбияланганлик даражаси (бу натижа «билим, малака ва кўникмалар» билан биргаликда баҳоланади);

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ўқувчиларнинг умумий таълим тайёргарлиги даражасини назорат қилишда қўлланиладиган топшириқ, вазифа, тест, мезон ва бошқаларни тайёрлашда ҳисобга олинади.

Ўқувчиларнинг умумий меҳнат тайёргарлиги даражаларини назорат қилишда қўлланиладиган топшириқ, вазифа, тест, мезон ва бошқаларни асосли тарзда ишлаб чиқиш учун қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

1. Ўқув фани, курси, бўлимининг мазмунига мос тарзда асосий «текширув объектлари» аниқланади (хусусан уларга «билимлар», «интеллектуал малакалар», «ижодий фаолият тажрибаси» ва бошқалар киради).

2. «Назорат воситалари» (мезонлар, баҳо, тест меъёрлари ва б.) ишлаб чиқишда назорат қилинаётган информация (материал, малака ва б.) нинг мазмунидан қатъий назар билим сифати, хусусиятининг илмий асосланган рўйхати; тўлақонлиги, чуқурлиги, теранлиги, мослашувчанлиги, аниқлиги, умумлашганлиги, кенглиги, мунтазамлилиги, тизимлилиги, онглилиги ва мустаҳкамлиги ҳисобга олинади ва қўлланилади.

3. Мураккаб ўқув материаллари ёки мураккаб «интеллектуал малакалар», «амалий малакалар»ни ўзлаштириш даражасини назорат қилишда ўлчагичлар сифатида ўзаро алоқадаги сифат ва миқдорий мезонлар қўлланилади.

4. Асосий «текширув объектлари»ни аниқлашдан олдин, «назорат воситалари» ни ишлаб чиққунга қадар ўқув материали:

---

** Таълим мазмунини баҳолаш тартиби ва механизми «Мактаб ўқувчилари билимларини баҳолашнинг рейтинг тизими ҳақидаги Низом» билан белгиланади. Уни синов-текширишдан ўтказиб, тасдиқлагандан кейин бўлим мазмунини аниқлаштириш ва меъёрий шаклга келтириш имконини беради. Бу ерда умумий қоидалар, талаблар ва назарий ёндошувлар берилди.*

***(Давоми 4-бетда)***

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

*(Охири. Боши 2-, 3-бетларда)*

а) ўқувчилар юқори даражада ўзлаштириши лозим бўлган материал;

б) ўқувчилар репродуктив даражада ўзлаштириши лозим бўлган материалларга бўлинади.

5. Назорат воситалари, баҳолаш мезонлари ва текшириш тартибини тушуниш ва қўллаш ўқувчилар учун тушунарли бўлиши учун ўлчагичларни ишлаб чиқишда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинади:

- назорат воситасининг ўқув материалини ўрганиш мазмуни ва технологиясига мослиги;

- ўқувчиларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш;

- сифат ва миқдорий мезонларнинг (шу жумладан, ўзаро боғланган ҳолда) оптимал қўлланиши;

- ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини назорат қилиш методикасининг ўқувчилар учун тушунарлилиги;

- ўқув материалларини ўзлаштириш сифатини назорат қилишга инсонпарварлик руҳида ёндашуви;

- умумий таълим тайёргарлиги сифатини назорат қилишнинг йўналиши ва асосий хусусиятларини ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида мувофиқлаштириш ва келиштириш (аввало айнан бир синфда).

Битирув синфининг ҳар бир ўқувчиси (унинг у ёки бу фанга қизиқишидан қатъий назар) давлат таълим стандартида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўқув материали мазмунининг мағзини ўзлаштириши лозим.

### Учинчи бўлим
### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**3.1. IV синфни битирувчисига қўйиладиган талаблар**

Бошланғич таълим босқичи якунида ўқувчилар **она тили таълими** соҳаси бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

Ўқиш техникаси бўйича миқдорий кўрсаткич - бир дақиқада 80-90 сўзни ўқий олиш; талаблар: товуш-ҳарфларни тўғри талаффуз этиш, сўзларни тўғри ўқиш, гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ўқиш, гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс эттириш, санаш ва ажратиш оҳангларидан тўғри фойдаланиш, сўз урғуларига риоя қилиш, гап оҳангга риоя қилиш, илмий атама ва рамзларни тўғри талаффуз этиш.

Матн мазмунини англаш, ўзгалар нутқини эшитиш ва фикрини англаш малакаси бўйича миқдорий кўрсаткич - 10 дақиқада 4-5 саҳифали матнни ўқиб, қайта сўзлаб бера олиш; ўқувчилар: оғзаки нутқининг тўғри, равон, аниқ, тушунарли ва таъсирчан бўлиши, монологик нутқнинг равонлиги, диалогик нутқда ўзаро мулоқотнинг таъсирчанлиги, изчиллиги, мантиқий жиҳатдан аниқлиги.

Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича биринчи миқдорий кўрсаткич - 75-80 сўздан иборат диктант ёза олиш; ўқувчилар: имло хатоларга йўл қўймаслик, ижодий матннинг мантиқий жиҳатдан изчиллиги, берилган изоҳларнинг аниқлиги, луғатларнинг тўғри ва аниқ берилиши.

Фикрни ёзма баён этиш малакаси бўйича иккинчи миқдорий кўрсаткич - 5-6 гапдан иборат бўлган матнни (фикр эхтиёжи билан боғлиқ мантиқий тузилган мавзу асосида) тузиш; сифат кўрсатгичлари: матндаги гапларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳарф ва тиниш белгиларини тўғри ёзиш, ҳуснихатда ҳарфларни тўғри жойлаштириш, сўзлар орасидаги оралиқни тўғри белгилаш, тавсифнинг хабар бериш қиймати (содда хабар), тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш, матнда сўзларни ноўрин такрорлашдан сақланиш ва синонимларни қўллай олиш, матнда хатбошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш.

**Математика таълимидан:** миллион ичида сонларни санаш, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш кўникмаларини эгаллашлари; математик муомала маданияти унсурларининг шаклланган бўлиши; натурал сонларни ўзаро таққослай олишлари; арифметик амалларни бажара олиш кўникмасини эгаллашлари; арифметик амалларни қўллаб, масалалар еча олишлари; сон улушларини фарқлай олишлари; геометрик шаклларни таниш, уларни ўзаро фарқлаш, чизиш, ясай олишлари; геометрик ўлчов бирликларини билишлари ва улар ёрдамида ҳисоблаш амалларини бажара олишлари керак.

**Табиат таълими** соҳасидан: жонли ва жонсиз табиат ҳақида тушунчага, табиат ҳодисалари ҳақида тасаввурга; Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳақида тасаввурга; Ер ва ундаги табиат ҳақида дастлабки билимга; ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилиш ҳақида тасаввурга; одам ва унинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида тушунчага; Ўзбекистон табиати ҳақида маълумотга эга бўлиш.

**Инсон ва жамият таълими соҳасидан:**

- инсон саломатлиги ва жисмоний камолотига оид тушунчаларни билишлари; гимнастика машқларини бажара олишлари, шахсий гигиена меъёрларини билишлари ва уларга амал қилишлари; жисмоний машқларнинг инсон саломатлигига таъсирини англашлари, жисмоний тарбия машқларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажара олишлари; фаол ҳаракатли ўйин қоидаларини билишлари, турли ўйинларда спорт ўйинларининг унсурларини қўллай олишлари, биринчи ёрдам кўрсата олишлари, жароҳатланишнинг олдини олишлари;

- мусиқанинг бадиий санъат тури эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлишлари, халқ мусиқа мероси ҳақида тушунчага эга бўлишлари, нота ёзувларини билишлари ва амалда қўллай олишлари, чолғу асбобларини билишлари ва товуш тембрларидан уларни фарқлай олишлари, мусиқага оид оддий атамаларни билишлари, биргаликда ва якка ҳолда куйлай олишлари, мусиқанинг ифода воситаларини билишлари, ижрочилик турларини ижро садоларидан фарқлай олишлари;

- тасвирий санъат ва унга оид айрим ибораларни билишлари, асосий рангларни фарқлай олишлари, бадиий материаллар, асбоблар ва жиҳозларни фарқлай олишлари, расм ишлаш босқичларини билишлари, нақшлар ва уларнинг хусусиятини билишлари, буёқни ўз ўрнида ишлата олишлари, табиат манзараларини кузатиш ва тасвирлай олишлари, буюмлар ясаш, уларни безата олишлари,турли рангларни ҳосил қила олишлари, бадиий тасвирнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлишлари;

- жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари, ахлоқ ва кийиниш меъёрларини билишлари, ўз туғилган жойи ва ўлкаси ҳақида тушунчага эга бўлишлари, меҳнат қуролларидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олишлари, қоғознинг инсон фаолиятидаги аҳамиятини билиш ва у билан ишлай олишлари, техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олишлари, уй-рўзғор ишларини бажара олишлари, содда конструкторлик ишларини бажара олишлари, меҳнат табиий материалларидан фойдалана олишлари, дурадгорликка оид оддий ишларни бажара олишлари (ўғил болалар учун), оддий бичув-тикув ишларини бажара олишлари (қиз болалар учун), инсон меҳнатини, фаолият турларини англашлари, ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тасаввурга эга бўлишлари, давлат тушунчасини, давлатнинг рамзий белгиларини, она-Ватан туйғусини англашлари, Ўзбекистон аҳолиси ва миллий таркибини билишлари, мамлакат ҳаётидаги буюк саналарни билишлари, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳаётини билишлари, уй хўжалиги ҳақида маълумотга эга бўлишлари, оила нима ва у қандай ташкил топишини билишлари, оилада фарзанднинг бурчини билишлари, бозор, сотувчи, харидор каби тушунчаларни билишлари, инсоннинг пулга бўлган эҳтиёжини англашлари, пул тўлов, савдо-сотиқ воситаси эканлигини билишлари, пул бирликларини билишлари, нарх ва унинг ўзгарувчанлигини билишлари керак.

**3.2. IX синфни битирувчисига қўйиладиган талаблар**

IX синф битирувчиларига давлат тилини эгаллаш бўйича қуйидаги талаблар қўйилади:

Минимум миқдорда ўзбек тили сўз бойлигини эгаллашлари; фикр баён қилиш учун зарур бўлган грамматик воситаларни ўз ўрнида қўллай ва тўғри ёза олишлари; боғланишли нутқ унсурларидан тўғри фойдаланган ҳолда матн туза олишлари; фикрни изчил, аниқ, равон баён эта билишлари; ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларини ва уларнинг асарларини билишлари; ўзбек тилидаги бадиий асарларни ўқиб тушуна олишлари лозим.

Ўқувчиларнинг она тили таълими натижасида ҳосил қилган коммуникатив кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

а) ўқиш техникаси бўйича: миқдорий кўрсаткич: (30-140 та сўз).

Сифат кўрсаткичлари: мураккаб типдаги илмий атама ва рамзларни, мумтоз адабиёт намуналарини, сўз, ибора ва атамаларни тўғри талаффуз қила олиш, маъносини англаган ҳолда тўғри ва равон ўқиш; б) ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш малакаси бўйича: миқдорий кўрсаткич: 10 минутда 11-12 саҳифа.

Сифат кўрсаткичлари: оғзаки нутқнинг аниқлиги, матн мазмунига мос бўлиши, тўғри, равон ва таъсирчан бўлиши; в) 12-14 гапдан иборат бўлган тугал матн (фикр эҳтиёжи билан боғлиқ мавзу асосида) яратиш.

Сифат кўрсаткичлари: матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кўрсатилган мавзу доирасида бирлашиши; тиниш белгиларини тўғри қўйиш; матндаги абзацларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш; ўрганилган ифода воситаларини ўринли қўллай олиш ва уларнинг услубий имкониятларидан фойдалана олиш; иш қоғозларини (ариза, маълумотнома, ишонч хати, ваколатнома, ихчам ҳисобот, ахборот кабилар) ёза олиш.

**IX синфни битирувчилари адабиёт ўқув фани бўйича қуйидагиларни билиши керак:**

- бадиий асардан олган таассуротларини нутқда ифодалай олишлари;

- инсоний ҳис-туйғулар ҳамда кечинмаларни баён эта олишлари;

- турли мавзуларда баён ҳамда иншо ёза олишлари;

- адабиёт назариясига оид билимларини китобхонлик амалиётида қўллай олишлари;

- адиблар ва адабий қаҳрамонларга хос фазилатларга муносабат билдира олишлари;

- бадиий асарлар ёки улардан парчаларни ёдлай олиш ва ёддан айтиш кўникмасига эга бўлишлари;

- бадиий тасвир воситаларини фарқлай олиш кўникмасига эга бўлишлари керак.

Рус тили таълими таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг IX синф битирувчилари **рус тили ўқув фанидан** қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

Ўқувчилар рус тилидаги таянч, фонетик, орфоэпик, лексик, фразеологик, грамматик, нутқий-коммуникатив билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари; рус тилидаги 1750 та фаол сўзни эгаллашлари; ижтимоий мулоқот учун зарур бўлган коммуникатив саводхонлик даражасига эга бўлишлари; рус адабиётининг йирик намояндалари, уларнинг асарларини билишлари ва ўқиб тушуна олишлари керак.

**Хорижий тиллар таълими** бўйича ўқувчилар ўқувчилар ўқиш бўйича хорижий тилдаги матнни ўқий олишлари, тушуниш ва мазмунини ўзлаштира олишлари; матнларда ифодаланган турли даражадаги ахборотларни қабул қила олишлари; ўқиш китобига таянган ҳолда оғзаки нутқ кўникмаларига эга бўлишлари; коммуникатив мақсадларга йўналтирилган оғзаки мулоқот кўникмаларини эгаллашлари; диалогик, монологик, полилогик нутқ меъёрларини эгаллаган бўлишлари; суҳбатдошининг нутқини тушуна олишлари; ёзиб олинган нутқни тушуна олишлари; матндан диалог кўчира олишлари; ўқилган ёки эшитилган матнга таянган ҳолда режа тузишлари ёки тезис ёза олишлари; табрикнома ва мактуб ёза олишлари керак.

**Тарих таълимидан:**

- жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлари бўйича тушунчага эга бўлишлари, жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг ўзаро боғлиқ томонларини билишлари;

- Ибтидоий жамоа тузуми, унинг хусусиятлари, жаҳоннинг турли мамлакатларида бу даврга мансуб бўлган моддий, маънавий-маданий ёдгорликларни билишлари, уларни ўзаро фарқлай олишлари, аср ва йил ҳисобини билишлари, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлигини, уларнинг қайси даврга мансублигини айта олишлари, эрадан олдинги асрларни ҳисоблай олишлари, баъзи тарихий манбаларни мустақил ўрганиш асосида хулосалар чиқара олишлари, тарихий жараёнларни қиёсий таҳлил қила олишлари, тарихий-ижтимоий жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари, бу тузумдаги давлатларни билишлари, Ўрта Осиёдаги хонликларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотга эга бўлишлари, Ўрта Осиё хонликларидаги феодал муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлишлари, Россиянинг Туркистондаги босқини ҳақида маълумотга эга бўлишлари, жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг янги даври ҳақида кенг маълумотга эга бўлишлари, Ўзбекистоннинг мустақил, суверен, демократик давлат сифатидаги тарихий ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлишлари, мустақил Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишининг умумий хусусияти тўғрисида тушунчаларга эга бўлишлари керак.

**IX синфни битирувчи ўқувчилар давлат ва ҳуқуқ асослари ўқув фани бўйича қуйидагиларни билишлари керак:**

Ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тараққиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида маълумот бера олишлари; ҳуқуқ ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларини билишлари; жиноят ва жиноятчилик, унинг олдини олиш ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; Давлат суверенитети асослари, унинг чегаралари ва дахлсизлигини асослаб бера олишлари; ҳуқуқий давлат асосларини билишлари; фуқаролик мезонларини, унинг бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари, Ўзбекистон Республикасида Давлат бошқаруви ва бошқарув босқичларини билишлари керак.

IX синфни битирувчи ўқувчиларнинг **иқтисодий билим асослари ўқув фани бўйича** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Иқтисодий тамойиллар, ишлаб чиқаришнинг асосий факторлари (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик), баҳо, бозор, таклиф, эҳтиёж, фойда, баланс, бошқариш каби иқтисодий тушунча ва атамаларни билишлари; оила хўжалигини юритишнинг умумий қоидаларини, оила бюджетини шакллантиришда фойда, чиқим ва уларнинг манбаларини билишлари; бозор шароитида оилаларнинг иқтисодий алоқаларини (шаҳар ва қишлоқ шароитидаги) таққослай олишлари; мулкчилик турларини билишлари; истеъмол товарлари рекламаси таҳлилини билишлари; оиланинг бир ойлик коммунал тўловлари ҳажмини билишлари; мактаб хўжалиги асосий унсурларига мисоллар келтира олишлари; мактаб хўжалигини юритиш механизмини тушунтира олишлари; тадбиркорлик турларини (ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий) билишлари; Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини билишлари; иқтисодий тафаккурга эга бўлишлари; Ўзбекистон иқтисодиётига бозоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариш менеджменти ва маркетинги билимларига эга бўлишлари; ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат (бевосита ўқувчилар иштирокида) кўникмаларига эга бўлишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **математика таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Натурал, бутун, рационал ва ҳақиқий сонлар ҳақида тушунчага эга бўлишлари ва уларга оид ҳисоблашларни бажара олишлари; сонларнинг ўрта арифметиги, нисбат, пропорция ва процентларни билишлари ва қўллай олишлари; сонли ва ҳарфий ифодалар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; формулалар ёрдамида ҳисоблашларни бажара олишлари; тенглама, унинг илдизи тушунчаларининг маъносини эгаллашлари, чизиқли ва квадрат тенгламалар, икки номаълумли тенгламалар системасини еча олишлари; сон ўқида ва координата текислигида нуқтани ифодалай олишлари, икки нуқта орасидаги масофани топа олишлари; график ва диаграммалар чиза олишлари; алгебраик ифодаларнинг сон қийматини топа олишлари; кўпҳадлар устида арифметик амалларни бажара олишлари ва кўпҳадларни стандарт кўринишга келтира олишлари; қисқа кўпайтириш айниятларини билиш ва қўллай олишлари; даража қатнашган каср ва ифодалар устида амалларни бажара олишлари; бир номаълумли тенгсизликларни еча олишлари; арифметик ва геометрик прогрессияларни билиш, уларнинг исталган ҳадини ва ҳадлар йиғиндисини ҳисоблай олишлари; асосий тригонометрик функцияларнинг графиги ва хоссаларини, асосий тригонометрик айниятларни билиш ва қўллай олишлари; алгебраик формулалар ва ҳисоблашларга оид масалалар еча олишлари; асосий геометрик шакллар ва содда геометрик жисмларга оид тушунча ва атамаларни билишлари; чизмачилик асбоблари ёрдамида геометрик шаклларни текисликда тасвирлай олишлари; ясси геометрик шакллар ва геометрик муносабатлар ҳақидаги системалаштирилган маълумотга эга бўлишлари, геометрик масалаларни еча олишлари, геометрия курсидан олинган билим ва малакаларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари; буюк алломаларимизнинг математика фани ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **информатика фанидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларига оид тушунчаларни билишлари; замонавий компьютер техникаси, асосий қурилмалари ва уларнинг иш тамойилларини билишлари; ахборотни тасвирлаш, кодлаш, ўлчаш ва қайта ишлаш усулларини билишлари; алгоритмлашнинг асосий кўникмаларига эга бўлишлари, компьютерда масалалар ечиш босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; замонавий ахборот технологиясининг жамиятимиздаги истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; дастурлаш тилларининг хиллари, тузилиши ва қўлланилишини билишлари; компьютер саводхонлигини минимал даражада намойиш қила олишлари; инсон фаолиятининг турли соҳаларига кирган замонавий ахборот технологиясини намойиш қила олишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **физика таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Физик ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва уларни таҳлил қила олишлари; механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электр, ёруғлик, атом ва ядро физикаси асослари, коинот физикасига оид тушунча ва катталикларни билишлари; физика қонунларини билишлари ва қўллай олишлари; масалалар ечиш бўйича кўникма ва малакага эга бўлишлари, физик катталикларни ўлчаш ва ҳисоблаш ишларини бажара олишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **кимё таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Модда, унинг таркиби, тузилиши, хоссалари, таркибини билишлари; кимёвий унсур ва уларнинг бирикмадаги валентлигини ҳамда кимёвий формулани туза билишлари; кимёвий қонунлар ва назарияларни, атом-молекуляр таълимотни билишлари; анорганик бирикмаларнинг энг муҳим бирикмалари таркиби, хоссалари ва қўлланилишини билишлари; кимёвий унсурлар даврий қонуни ва даврий системасини билишлари; кимёвий боғланиш турларини билишлари; кимёвий реакциядаги асосий қонуниятларни англашлари, кичик даврда жойлашган кимёвий унсурлар тавсифини билишлари; кислота, ишқор, тузларнинг диссоциацияланишини ёза олишлари, ион алмашиниш тенгламаларини ёза олишлари; металл ва металлмасларнинг айрим вакиллари хоссалари ва қўлланишини билишлари; Ўзбекистонда олинадиган кимёвий хомашёлар ва уларнинг моҳиятини англашлари; органик моддаларнинг тузилиш назариясини тушунтира олишлари; органик бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтира олишлари; анорганик ва органик кимёга оид масалалар еча олишлари; полимерларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтира олишлари; кимёвий реактивлар ва жиҳозлардан фойдалана олишлари; кимёвий ишлаб чиқариш жараёни, кимёвий моддалардан фойдаланишни экологик нуқтаи назардан тушунтира олишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **биология таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Биологиянинг ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, умумий биология курслари мазмунида бериладиган асосий биологик қонунлар ва назарияларни билишлари; тирикликнинг ташкил топиш даражалари (ҳужайра, организм, популяция, тур биогеоценоз, биосфера)ни билишлари, тирик организмлар турли-туманлигини билишлари, асосий систематик гуруҳларни билишлари, организмларнинг ҳаёт ва фаолият жараёнлари (озиқланиши, нафас олиши, модда ва энергия алмашинуви, ўсиши, ривожланиши, кўпайиши)ни билишлари ва идрок этишлари; тирик организмларнинг умумий белгилари, тузилишидаги ўзига хосликларни тушунтира олишлари; организмлар, турлар, табиий тизимларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишнинг зарурлигини билиш ва унга амал қила олишлари; биологияга оид билимлардан қишлоқ хўжалик ишларида фойдалана олишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **табиёт ва география таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Табиат ҳодисалари, жисм ва моддалар, куч ва энергия, олам тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; Ер курраси ва унинг қобиқлари табиатини билишлари, материклар ва океанлар табиатини билишлари, харита ва атласдан фойдалана олишлари, умумий географик қонуниятларни билишлари, Туркистон табиий-географик ўлкаси ва Ўзбекистон ҳудудининг табиатини билишлари, иқтисодий географик тушунча, қонуният ва жараёнларни билишлари, географик ўрин, табиий шароит ва табиий ресурслар иқтисодиётига ва умуман мамлакат ривожидаги аҳамиятини янги иқтисодий муносабатлар қарор топаётган шароитда меҳнатнинг географик тақсимланишини, социал муаммолар ечимини тушунтира олишлари; мамлакат аҳолиси ва меҳнат ресурслари ўзига хослигининг сабаб ва оқибатларини билишлари; иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлараро мажмуаларини билишлари, иқтисодиётнинг ҳудудий ташкил этилиши ва иқтисодий районлаштириш тамойилларини билишлари; Ўзбекистоннинг ҳар бир иқтисодий географик районидаги ихтисослик тармоқларининг жойлашиш ва ривожланишига хос хусусиятларни тушунтира олишлари; жаҳоннинг умумий иқтисодий географик тавсифини билишлари; жаҳоншумул табиий бойликларни ҳамда экологик муаммоларни билишлари; дунё аҳолисини ва жаҳон хўжалиги ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; мамлакатларнинг тараққиётига кўра гуруҳлаш мезонларини билишлари; жаҳон давлатларининг регионал тавсифини билишлари; инсониятнинг жаҳоншумул (глобал) муаммоларини идрок эта олишлари керак.

IX синф битирувчиларининг **чизмачилик таълимидан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тўғри бурчакли проекциялаш асосларини ва содда аксионометрик тасвирларни ясаш усуллари тўғрисида тушунчага эга бўлишлари; чизмаларни бажаришнинг ўрганилган усулларини ва асосий туташмаларни ясаш усулларини билишлари; чизмачилик асбобларидан рационал фойдалана олишлари; буюмларнинг шаклини асл кўринишига ҳамда уларнинг чизмаларига қараб таҳлил қила олишлари; тасвирларнинг график таркибини таҳлил қила олишлари; содда буюмларнинг чизмаси, эскизи ва яққол тасвирларини ўқий ва бажара олишлари; чизмаларда кесимлар ва қирқимларни бажариш ҳамда белгилашнинг асосий қоидаларини билишлари; резбаларнинг шартли тасвирлари ва белгиланишини билишлари; йиғиш ва қурилиш чизмаларини бажариш хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлишлари; деталларнинг асосий бирикмалари чизмаларини чиза олишлари; оддий қурилиш чизмаларини ўқий олишлари керак.

IX синфни битирувчи ўқувчилар **тасвирий санъат таълими бўйича** қуйидагиларни:

Тасвирий ва амалий санъатнинг ижтимоий аҳамиятини билишлари, амалий ва меъморчилик санъати асарларини мустақил таҳлил қила олишлари; мўйқалам билан ишлай олишлари; табиат гўзалликларини ҳис этиш ва ундан завқлана олишлари; суратни шарҳлай олишлари; натюрмортнинг аслига қараб расмини ишлай олишлари; атроф-оламдаги турли буюмлар, жониворлар, ўсимлик ва дарахтларни чиза олишлари керак.

IX синф битирувчилари **мусиқа таълими** натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак:

Ўқувчилар дастлабки ижрочилик кўникмаларига эга бўлишлари, айрим мусиқа асарларини ва халқ чолғу асбобларини ўзаро фарқлай олишлари; композитор ва бастакор ижодининг ўзига хос қирраларини билишлари; ўзбек мақомлари ва мақом турлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; айрим қўшиқ ёки куйларни ижро эта олишлари, мусиқага оид атама ва ибораларни билишлари керак.

IX синфни битирувчи ўқувчиларнинг **меҳнат таълими ўқув предмети бўйича** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Политехник дунёқарашга эга бўлишлари; умуммеҳнат билим, кўникмаларини эгаллаган бўлишлари; касблар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишлари; қишлоқ хўжалик ва маиший соҳалардаги ишлаб чиқариш асослари ҳақида билим ва дастлабки кўникмаларга эга бўлишлари; материалларга бадиий ишлов бериш кўникмаларига эга бўлишлари; муайян механизм, мослама ва машиналарнинг чизмаларини тайёрлаш кўникмасига эга бўлишлари; электротехник меҳнат (уй-рўзғор асбобларини тузатиш) кўникмаларига эга бўлишлари; уй тутиш маданияти (уйни дид билан безатиш, рўзғор тутиш, кийим-кечакларни саранжом-саришта тутиш, маданиятли кийиниш) кўникмасига эга бўлишлари; оила иқтисодиёти (оила бюджети: -кирим-чиқими, оилада меҳнат тақсимоти, оилавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш) кўникмаларига эга бўлишлари; Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунарлар ҳақида билимга эга бўлишлари; айрим касблар бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини эгаллашлари керак.

IX синф ўқувчиларининг **жисмоний тарбиядан** билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Асосий туркум ҳаракатлар кўникмаларини эгаллашлари, гимнастика машқларини бажара олишлари; сафланиш, югуриш, узунликка ва баландликка сакраш, мувозанат сақлаш, осилиш ва таяниш машқларини бажара олишлари; ҳаракатли ўйинларни ва спорт ўйинларидан бирор турини ўйнай олишлари; жисмоний тарбия бўйича мустақил машғулотлар ўтказиш учун зарур билимларни эгаллашлари; ўз-ўзини жисмоний жиҳатдан назорат қилишнинг асосий кўникмаларига эга бўлишлари керак.

### Тўртинчи бўлим
### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ

Умумий стратегиядан келиб чиққан ҳолда давлат таълим стандартини жорий этиш уни ишлаб чиқишнинг якуний босқичини ифода этади. Мазкур босқич давлат таълим стандартини умумий ўрта таълим тизими муассасалари фаолияти тажрибасига киритишда намоён бўлади.

Ўзининг функционал йўналишига кўра давлат таълим стандартини жорий этиш босқичи алоҳида тузилмаларга бўлинади:

1. Экспертизалар ўтказишга йўналтирилган ташкилий-тайёргарлик тадбирлари:

а) умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг умумий талаблари;

б) стандарт соҳалари - умумий ўрта таълим ўқув фанлари;

в) ўқув режалари, дастур ва ўқув-методик мажмуаларнинг давлат таълим стандартига мослигини аниқлаш.

2. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини жорий этиш ва амалга ошириш шакли ва методларини ўқитиш бўйича экспериментаторларнинг иштирокида семинар ўтказиш.

3. Давлат таълим стандарти тузилиши ва мазмунини экспериментал апробациядан ўтказиш ва эксперимент натижаларини хулосалаш.

4. Умумий ўрта таълим мактабида:

а) ўқув режалари;

б) ўқув дастурлари;

в) ўқув-методик мажмуани босқичма-босқич жорий этиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

5. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг апробациядан ўтказилган ва қайта ишланган вариантини келишиш ва тасдиқлаш учун нуфузли давлат органларига тақдим этиш.

6. Давлат таълим стандартини умумий ўрта таълим тизимига жорий этиш жараёнининг мониторингини ташкил этиш.

Умумий ўрта таълим давлат стандартини жорий этишнинг барча босқичларини амалга оширишнинг пойдеворини ташкил этувчи асосий тамойиллар қуйидагилар:

- ошкоралик ва демократия;

- давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш тартибини муҳокама қилиш, эксперт баҳолаш жараёнига таълим соҳасининг нуфузли мутахассисларини, жамоатчиликнинг кенг қатламини жалб этиш;

- эксперт, экспериментал-педагогик ва жорий этиш тадбирларини даврийлик тамойили бўйича амалга ошириш. Бу тадбирлар умумий ўрта таълим давлат стандартини унинг тузилиши ва мазмунини корректировка қилиш босқичида ҳам, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларига жорий этиш босқичида ҳам стандарт тузилишининг барча компонентларини кўп марта изчил тузатиш имконини беради.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини муваффақиятли жорий этишни таъминловчи фаолиятнинг аниқ йўналишлари қуйидагилар:

- информацион таъминот ( хабардор қилиш, ташвиқот қилиш, умумий ўрта таълимни стандартлаштириш жараёни қатнашчиларини ташаббусга чорлаш);

- эксперт фаолияти;

- ташкилий-методик иш (қўлланма, кўрсатмалар тайёрлаш, семинар ва консультациялар ўтказиш ва ҳ.к.);

- экспериментал педагогик иш.

***

Мустақил ва суверен Ўзбекистон Республикасида ижтимоий барқарор йўналишдаги бозор иқтисодига мўлжалланган янги демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг барпо этилиши халқ таълими тизимини, жумладан, унинг таркибий қисми бўлмиш умумий ўрта таълимни тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди.

Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзини, унинг анъаналари, бой тарихий ва маънавий меросини, халқ педагогикасига сингдирилган ва ҳозирги кунда ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлиб бораётган, барқарор тарбиявий-таълимий аҳамиятга молик қадриятларни ўзида мужассам этган мустаҳкам миллий ижтимоий маданий асосда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон таълим амалиёти ва ривожланган мамлакатларнинг ижобий педагогик тажрибаларини таҳлилий англаш ҳам умумий ўрта таълим тизимини сифатли ислоҳ қилиш жараёнига ёрдам беради.

Замонавий шароитда республика умумий ўрта таълим тизими шахс ва жамиятнинг турли хил таълимий эҳтиёжларини қондиришда ва билимнинг аҳамияти ҳамда нуфузини кўтаришда кенг имкониятларни ишга солишнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга қаратилган.

Шунингдек, у ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашни ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжнинг меҳнат ва ақлий фаолиятга ўзгариши шароитида амалга оширишга имкон беради. Бундай ҳимоялаш мутахассисларни улар эгаллаган билимларнинг мустаҳкамлиги асосига қурилган умумтаълим, касб-ҳунар, илмий ва умуммаданий тайёргарлигининг мақсад сари йўналтирилган оқилона дастури асосида амалга оширилади.

Давлат таълим стандартини жорий этиш умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат ва жамият томонидан илгари сурилган талабларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Давлат таълим стандарти қуйидагиларни таъминлайди:

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда умумий ўрта таълимнинг амал қилиши ва барқарор ривожланишининг ижтимоий йўналтирилган кафолатини назарда тутувчи меъёрий-қонуний негизини яратиш;

- жамият, фан, маданият, техника ва технологиянинг республика ва жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқлари, ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълим тузилиши ва мазмунини янгилаш;

- умумий ўрта таълим тизимининг яхлитлигини ташкил этувчи, барча компонентлар (мазмун, педагогик технология ва ҳ.к.)нинг узвийлиги ва ўзаро алоқадорлигининг ташкилий ва мазмуний бир бутунлиги;

- жамиятнинг долзарб ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг умумий таълим, касбгача бўлган тайёргарлигини ўз ичига олган дастурни амалга ошириш;

- умумий ўрта таълим мактабида миллий тикланиш мафкураси, халқ педагогикасида жамланган миллий тарбиянинг доно тажрибаси, таълим, тарбия ва шахсни ривожлантиришнинг замонавий жараёнига муваффақиятли жорий этилаётган халқ анъаналари ҳамда урф-одатлари асосидаги тарбия тизимини яратиш;

- умумий ўрта таълим соҳасида хорижий мамлакатларнинг миллий таълим тизимлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун умумжаҳон таълим ҳамжиҳатлиги интеграцион жараёнини муваффақиятли ривожлантириш имконини таъминлайдиган мустаҳкам асос яратиш.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг жорий қилиниши республиканинг барча ҳудудларида таълим маконининг бир бутунлигини таъминлайди, таълим-тарбия жараёнининг демократик ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлайди, жамият ва шахс камолоти учун лозим бўлган умумий ўрта таълим даражасини сақлайди, илғор педагогик технологияларни Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларига жорий этишга ёрдам беради.

Avgust kengashlari

# САБОҚЛАРДАН АНГЛАШИЛГАН ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда)

***

Куни кеча Чилонзор тумани маорифчиларининг ҳам анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтди. Унда мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, мактаб раҳбарлари, илғор муаллимлар, кекса маорифчилар, ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Чилонзор тумани ҳокими Анвар Алиев кириш сўзи билан очиб, халқ таълими ва ҳокимият, мустақиллик ва ижодкорлик мавзуларида сўз юритди.

Сўнгра туман халқ таълими бўлими мудири Малик Абдалимовга сўз берилди. Унинг «Комил инсон тарбияси ва туман халқ таълими ходимларининг долзарб вазифалари» маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди. Ғап шундаки, нотиқ эришилган ютуқлар қаторида туман маориф муассасаларида юз берган камчиликларни рўйи-рост қайд этиб ўтди. Масалан, ўтган ўқув йилида айрим кўрсаткичлар бўйича тумандаги 56, 184, 188, 270-мактабларнинг рейтинги тушиб кетди. Йил якунида 164, 180-мактабларда битирув аттестацияларi қоидалари бузилди. Туманда кимё фани ўқитилишини ҳам мақтовли даражада деб бўлмайди. ДТМ таҳлилига қараганда мазкур фан бўйича ўқувчилар шаҳарда еттинчи ўринни эгаллаб туришибди...

Анжуманда сўзга чиққанлар янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, таълимда қўллаётган тажрибалари, янгилик ва ютуқлари ҳақида батафсил сўз юритдилар, ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги таклифларини ўртага ташладилар. Қисқаси, мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифаларига виждонан ёндашиш руҳи устивор бўлиб турди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази раҳбари Бахтиёр Қурбонбоев қатнашди ва сўзга чиқди.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**



Чиниқиш мактаби

## Xullas...

**ТОВЛАМАЧИЛАРГА ЭРКИНЛИК**

Екатеринбург метрополитенининг директори Иван Титов шаҳарнинг 275 йиллиги шарафига бир ой мобайнида маҳаллий товламачиларнинг ясама йўл чипталаридан фойдаланишларига рухсат бериш тўғрисида буйруқ чиқарди. Бу вақтда «қуён»лар билан ер остида жанжал бўлмайди. Улардан сохта чипталарни тортиб олишмайди ва катта миқдордаги жарима эмас, тегишли суммадаги йўл ҳақи ундирилади.

Директорнинг бу ноодатий кўрсатмаси метрополитен ходимларининг инсонпарварлигини кўрсатмайди. Бундан мақсад, байрам арафасида метро ходимларининг ташвишларини камайтириш.

**ҲУКУМАТНИНГ ТАДБИРИ**

Айиқполвонлар ҳам иссиқни хушлашмайди. Одамлар жазирамадан сақланиш учун салқин жойларга ўзларини уришади. «Қийшиқ оёқ»лар эса ақлли зотларга яқинлашиб, билган ишини қилар эканлар.

Нафс балосига йўлиққан айиқполвонлар уй ҳайвонларининг «шўрига шўрва» тўкмоқда. Қаерда денг? Бошқирдистонда.

Дуванск туманидаги жамоа хўжаликларидан бирида айиқполвонларнинг «шефи» бир йўла учта сигирни талаб, дабдаласини чиқарди. Республиканинг 14 та хўжалигида шундай нохуш ҳодиса қайд этилганини ҳисобга олган ҳукумат ўрмон ходимларига касофат айиқлардан бир нечтасини отиб ташлашга рухсат берди...

**ҚУРБАҚАЛАРГА ҲУРМАТ**

Қурбақани боссангиз «вақ» этади. Бу жонзот ҳақида билганимиз шу мақол. Қурбақа қаерда, қандай яшайди, нима билан озиқланади, кўпчилигимиз бунга беэътибормиз.

Айрим мамлакатларда қурбақага шу қадар ихлос билан қарашадики, уларга ҳурмат рамзи сифатида ҳайкал ўрнатишган. Париж университети олими Клод Бернар ташаббуси билан Х1Х асрда Сарбонада ясалган қурбақа ҳайкали бунга мисол. Иккинчиси эса Токиода тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар томонидан қўйилган ҳайкалдир.

Қизиқ-да, нега бундай қилишган? Бунинг сири шундаки, қурбақалар жуда кўп ихтироларни яратиш учун манба бўла олади...

ana shunaqa gaplar...

## Sport maydonchasi

**БИЗНИКИЛАР**

**Францияда ўтказилган «Кичик тур де Франс» ёшлар велопойгасида ҳамюртларимиз иштироки муваффақиятли бўлди. Дунёнинг 25 жамоаси орасида вакилларимиз 1У ўринни эгаллашган бўлса, шахсий ҳисобда энг ёш йигитларимиздан Хушнуд Камалдинов 1-ўринни қўлга киритди.**

**ДУНЁ БЎЙИЧА**

**Профессионал велоспортчиларнинг рейтинг бўйича кучли бешлиги қуйидагича экан: 1.Лоран Жалабер (Франция), 2. Алекс Цулле (Швейцария), 3.Микеле Бартоле (Италия), 4. Марко Пантани (Италия), 5. Франческо Казагранде (Италия).**

**ХУРМАЧА ҚИЛИҚ**

**Собиқ жаҳон чемпиони, боксчи Майк Тайсон ўзининг навбатдаги «қилиғи«ни кўрсатди. Холифилднинг қулоғини тишлаб олгандан сўнг боксдан четлатилган Тайсон рингга қайтаришларини сўраб ариза берганди. Масала ижобий ҳал бўлай деб турган паллада дабдурустдан аризасини қайтариб олди.**

**Ю Т У Қ**

**Хитойда дзюдо бўйича ўтказилган Халқаро турнирда икки спортчимиз иштирок этди. Эгамназар Акбаров (73 кг) мусобақаларни иккинчи ўрин билан якунлаган бўлса, Искандар Расулов (60 кг) учинчи ўринни қўлга киритди.**

**МУНОСИБИНИ ТОПИШДИ**

**Ниҳоят, Бразилия футбол терма жамоасига янги бош мураббий тайинланди. Бу вазифага «Палмейрас» жамоасининг юксак муваффақиятларига сабаб бўлган 46 ёшли Вандерлей Люксембурго муносиб деб топилди.**

Diydor

# ЭЛЛИК ЙИЛДАН КЕЙИН

Оҳангарон туманининг Облиқ қишлоғидаги 25-ўрта мактабнинг 60 йиллиги ҳақида ахборот воситаларида хушхабар тарқалган эди. Бугун эса шу мактабнинг ўнинчи синфини тамомлаган биринчи қалдирғочлари орадан эллик йил ўтиб учрашиб турибдилар.

1946 йилда мактабга директор этиб тайинланган Мурод қори Раҳмедовнинг ташаббуси билан мазкур мактаб Оҳангаронда биринчи бўлиб ўрта мактабга айлантирилганди. 1948 йилда эса 25-ўрта мактабнинг ўнинчи синфини етти ўқувчи тамомлаб чиқишди. Ўша пайтда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасида масъул вазифада ишлаётган облиқлик Муртазо Қорахонов мана шу етти ўсмирни етаклаб, Тошкентга олиб келди ва турли олий ўқув юртларига ўқишга киришига беминнат ёрдам кўрсатди. Етти азамат орадан тўрт-беш йил ўтиб, Оҳангаронга биринчи маҳаллий олий маълумотли кадрлар бўлиб қайтишди.

А.Сирожев, С.Аминов, О.Эшончаевлар муаллим сифатида туманнинг турли қишлоқларидаги мактабларда ўқитувчилик қилдилар. Ш.Салимов сув хўжалиги, Ш.Тўраев энергетика, Ф.Исмоилов геология, Р. Шамсутдинова молия ишлари бўйича халқ хўжалигининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Синфдошларнинг эллик йилдан сўнгги учрашувларида марҳум дўстлар - Орифхон Эшончаев ва Раҳимахон Шамсутдиновалар ўрни сезилиб турди. Бугун улар ўтирган парталар бўш эди. Лекин хотираси тирик. Орифхон ака ўзидан порлоқ из қолдирди. У узоқ муддат Ангрен шаҳар халқ таълимини бошқарди, бир қанча зарур қўлланмалар яратди, унинг юзлаб шогирдлари бугун Оҳангарон туманининг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилишмоқда. Синфдошлар учрашуви мактабдагина эмас, бутун Оҳангаронда катта байрамга айланиб кетди.

Учрашув тантаналарида улар мактабга, ўқувчиларга эсдалик совғалари топширдилар.

**Мўмин ҚАЮМ**

# ДЕҲҚОНОБОДДА НИМА ГАП?

**ёхуд Қарашинадаги «можароли» бир бино хусусида**

(Боши 1-бетда)

*— Мен қурилиши бошланиб, иш мутлақо тўхтаб қолган ана ўша бинони 1996 йилнинг март ойида вилоят марказида бўлиб ўтган «ким ошди» савдоси орқали 160 минг сўмга сотиб олдим,— дейди «Алишер» хусусий кичик корхонаси раҳбари Абдушукур Дониев.— Мазкур бинода, ўша пайтда умумий ишнинг 20 фоизи бажарилган эди холос. Бинонинг ички кисмидаги деворлар қаровсизлик оқибатида бузилиб, ғиштлари кимлардир томонидан ташиб кетилганди...*

*Деҳқонободлик тадбиркор Абдушукур Дониев менинг олдимга қоғозларга лиқ тўла папкани ташлади:*

*— Ҳамма ҳужжатлар шу ерда, кўринг.*

*Қоғозларни бирма-бир варақладим. Дарҳақиқат, мени қизиқтирган ҳужжатларнинг барчаси шу папка ичидан чиқди. Қурилиши битмаган бинонинг сотиб олинганлиги ҳақида ордер, уни топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги акт қоғозлари.Уларни туман ҳокими муовини Р.Самадов, вилоят капитал қурилиш бошқармаси вакили Д.Рўзиев, туман хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Ш.Панжиев, шу бино қурилишини бошлаган Деҳқонобод механизациялашган кўчма жамламаси бошлиғи Н.Каримов ва Абдушукур Дониевлар имзолашган.*

*— 1994 йилда ташкил этилган хусусий кичик корхонамиз кийим-кечак тикиш, техника таъмири ва савдо-сотиқ билан шуғулланади. Хусусий дўконларимиз ҳам бор, —дейди Абдушукур Дониев. — Хуллас, корхонамиз топган фойдалар ҳисобига ўша бинони бир йилдан ошиқроқ муддат ичида қуриб битказдик... Шундан сўнг лоп этиб, Республика радиосидан эшиттиришлар берила бошланди. Мен Деҳқонобод болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйини сотиб олиб қўйган эмишман. Очиғи сиздан бошқа бирорта мухбир билан суҳбатлашганим йўқ. Радиодагилар маълумотларни қаердан олишди, ҳайронман. ..*

*Биз ўша «жанжалли бино»га бордик. Бир қаватли гўзал иншоот. Қолаверса, бино туман марказига кўрк бахш этиб турибди. Бино деворининг гирд атрофи сара мармар тошлар билан безатилган, ҳовли сатҳи чиройли тош девор билан ўралиб, қулф-калит қилиб қўйилган.*

*Хоналарни айландик. Мавжуд 20 та хона ва барча заллардаги безак ишлари ўта дид билан бажарилган.*

*— Шу ишларнинг ҳаммаси учун қанча маблағ кетди?- сўраймиз тадбиркордан.*

*— Анча-мунча ишларни пулга чаққанимиз йўқ.Гапнинг қисқаси, ҳозир шу бино хусусий кичик корхонамиз ҳисобига 8 миллион 713 минг 890 сўмга тушиб турибди. Яширолмаймизки, бинони қуриш муносабати билан у ёки бу корхона ва идоралардан бироз қарздор ҳам бўлдик.*

*— Нега бинони ишга туширмаяпсиз? — яна сўрайман суҳбатдошимдан.*

*— Мавжуд қонунларимиз мезони билан қаралса, мен ҳеч қандай ғайри-қонуний иш қилмадим. Югуриб-елиб, жамоамиз аъзолари билан биргаликда ишлаб шундай чиройли иншоот қурдик. Рости, кейинги «гап-сўзлар» ноўрин. Бу дунёда хайр-саховат улуғ иш. .. Бас, шу бинонинг илк ғишти таълим мақсадини кўзлаб қўйилган экан, биз ҳам ана шу бинони халқ таълимига берамиз. Фақат мутасадди ташкилотлар бизнинг сарф-харажатларимизни беришсин. Борингки, таълим иши учун биз сарф-харажатларимизнинг бир қисмидан кечиб юборишга ҳам тайёрмиз!*

*Тадбиркорни ҳам тўғри тушунмоқ керак. Негаки, «пул« деган нарса ҳеч бир жойда ўз-ўзидан топилиб қолавермайди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони шу ердаки, ушбу «можароли бино» масаласида «Алишер» хусусий кичик корхонаси ходимларининг айби ҳам йўқ. Улар қурилиши тугалланмаган бинони «ким ошди» савдоси орқали сотиб олишиб, меҳнат қилиб битказишди.*

*Доноларимиз «Туяни юкка элт, магар бунинг иложи бўлмаса, юкни туяга элт» деб бежиз айтишмаган.*

*Деҳқонободдаги «можароли бино» юкини туяга қандай элтишни тадбиркор, кўнгли очиқ йигит Абдушукур Дониевнинг ўзлари айтиб турибдилар-ку.*

*Ҳа шундай. Агар иш ана шундай тартибда амалга оширилса, деҳқонободлик ижодкор ёшлар ижодкорона бир тарзда қурилган бинога, «Алишер» хусусий кичик корхонаси аъзолари эса олам-олам савобга эга бўлардилар.*

**Абдували ОБИДДИН,**
**«Маърифат» мухбири**

**ЭЪЛОН**

Урта Чирчиқ туманидаги 3-урта мактаб томонидан 1992 йилда ДУШАЕВ ХАЙРИДДИН номига берилган А№019638 рақамли урта маълумот тўғрисидаги аттестат йуқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Yurtimiz sihatgohlari

# САДАҒАНГ КЕТАЙ, «БОТАНИКА»!

Инсонни табиатнинг ажралмас бир бўлаги, деб бежизга айтмайдилар. Буни табиатга ошнолигимиз ва шайдолигимиздан ҳам билса бўлади. Ўзбек борки, бўш вақтини салқин ва ошуфта гўшаларда ўтказай, дейди. Зеро мамлакатимизда бундай гўшалар бисёр. Шулардан бири ва энг машҳури «Ботаника» сиҳатгоҳидир.

Бу ерга келишимга, очиғи ушбу сатрларни ёзишимга рафиқам Зулфияхон Шоймардонова сабабчи бўлди. У бир неча ўн йиллик заҳматли меҳнати-муаллимликдан чарчоқ топди. Асаби, юрагидан тез - тез нолийдиган бўлиб қолди. Шифокорлар фақат шу санаторийда даволаниши лозимлигини айтишди. Барака топгур, Музработ тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси раиси, кекса ва заҳматкаш педагог Амин Хайиновнинг сайъи - ҳаракатлари туфайли тез орада йўлланмага эга бўлдик.

Яхши йўлдош - қуш қанот, дейдилар. Зулфияхон ўзидек ҳаёт ва турмуш ташвишларидан бир оз ҳориган, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида истиқомат қилувчи асли касби ҳисобчи бўлган хушчақчақ ва тоза қалб Жамилахон Бобожонова билан бир хонада туриб даволанди. Шифокорларнинг ширин сўзлиги ва мақбул табобати туфайли ҳар иккаласи ҳам тез орада ўзларини тетик, соғлом ҳис қилишди, аввалги дардчил ҳатти-ҳаракатлари, мунис овозлари ўрнини ўктамлик ва шоду хандонлик эгаллади. Мен Зулфияхонни олиб кетиш учун даволанишнинг сўнгги кунлари келиб, кўзларимга ишонмай қолдим, улар ботинан ва зоҳиран яшарганлиги юз - кўзларидан шундоққина билиниб турар эди.

Миннатдорчилигимизни айтиш мақсадида сиҳатгоҳ бош ҳакими Эркин Мадиев ҳузурига йўл олдик. Эркин ака бизни илиқ бир самимият билан қарши олдилар ва мақсадимизни англаб, сиҳатгоҳдаги табобат ишлари ҳамда заҳматкаш ходимларининг ижобий ишлари ҳақида ширинсуханлик билан гапириб бердилар. Айни чоқда даволаш ишлари бўйича муовинлари Гулсара Акобировани ҳузурларига чақириб, бизни таништирдилар. Шуни мамнуният билан эътироф этиш керакки, ҳар иккалалари ҳам олий тоифали ҳаким бўлиб, шу сиҳатгоҳда қарийб 20 йилдан буён намунали фаолият кўрсатиб келишаётган эканлар. Биз Эркин ака ва Гулсара опа билан қилган суҳбатимиздан, ўнлаб дам олувчилар, самарқандлик ихтирочи ўқитувчи, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Қобил Мусаев, сурхондарёлик дон маҳсулотлари корхонаси ходимаси Манзура Қурбонова, бухоролик олий тоифали ўқитувчи Раҳмат Ёдгоров, уруш ветерани Ҳасан Маҳмудов, оққўрғонлик интернат муаллимаси Рихси ая Абдазова, иштихонлик мактаб директори, халқ таълими аълочиси Фарҳод Норқуловларнинг қалб сўзларидан шуни англадикки, мустақиллик шарофати туфайли сиҳатгоҳда беқиёс янгиланиш рўй берган экан. Улар ҳакимлар Салима Шералиева, Ҳалима Қодирова, ҳамширалар Офтобхон Тошпўлатова, Дилдора Мардиева, Зоя Муҳаметдинова, Гулмоҳира Турлибекова, Асия Сатова, Тожихон Солиева, Саида Охунжонова сингари жонга-жон шифокорлардан мамнун эканликларини айтишди.

Санатория ҳақида икки оғиз сўз айтадиган бўлсак, у денгиз сатҳидан 560 - 570 м баландликда, Тён-Шон тоғининг Чотқол тизмалари этагида, Чирчиқ шаҳри яқинида, Бўзсув канали бўйидаги хушманзара гўшада жойлашган. Бу ердаги мевали ва манзарали дов-дарахтлар, Тургеневнинг «Бежин ўтлоғи»ни доғда қолдирадиган ям-яшил ўтлоқлар, ранго-ранг гуллар беихтиёр мафтун этади, кишини. Ҳаким ва ҳамшираларнинг дилкашлигини айтмайсизми. Бу ерда асабга тегадиган бирон - бир сўзга, нарсага дуч келиш мумкин эмас. Сиҳатгоҳ чиннидек топ - тоза.

Сиҳатгоҳ 526 ўринга эга. Бу ерда асосан марказий ва периферик нерв системаси ҳамда ҳазм органлари касалликлари даволанади. Бу ерда фақат катталаргина эмас, болалар ҳам шифо топади. Санатория энг янги диагностика ва даволаш аппаратлари билан таъминланган. Қуёшли кунлар, кўплиги, қуруқ ва мусаффо ҳаво иқлими даволаниш учун ғоят қулай. Иқлим билан бирга табиий даволаниш омиллари уйғунлашиб кетган. Чунончи, даволанувчилар бу ерда Тошкент артезиан қудуқларидан олинадиган + 37 даражали термал хлорид-гидрокарбонат-натрийли минерал сувлардан ҳузур қилиб ичишади. Ванналар, ичакларни чайиш, меъдани ювишда ҳам ана шу шифобахш сувлардан фойдаланилади. Балиқчи кўлидан ( Жиззах вилояти) келтириладиган сулфидли балчиқ беморларни даволашда қўл келади. Бундан ташқари, даволаш мақсадларида физиотерапия, даволаш физкультураси ва массаждан, иссиқлик билан даволашдан (парафин ва озокерит) фойдаланилади. Санатория ётоқ корпуслари бир ва икки ўринли, шинам хоналардан иборат. Ёзги ва қишки муъжазгина клублар, кутубхона, дискотека, спорт майдончалари мунтазам ишлаб турибди. Стоматология хонаси, тиш протезлаш лабораторияси, эркаклар, аёллар ва болалар салони, косметика хонаси, фотосалон, ажойиб бальнеологик даволаш шохобчаси, тўрт марта парҳезли таом билан таъминлайдиган ошхона, чойхона дам олувчилар хизматида. 1990 йилдан бошлаб болалар ва ота - оналар учун йил бўйи ишлайдиган 68 ўринли бўлим ишлаб турибди. Бу бўлимда болалар ўйнайдиган хоналар, болалар майдончалари ташкил қилинган бўлиб, бийрон тилли болаларнинг ёқимли ҳатти—ҳаракатларию қийқириқлари ёшликни ёдга солади, болалар дунёсига етаклайди кишини.

Саёҳат — танга роҳат, дейдилар. Дам олувчилар ҳар якшанба куни Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойларга саёҳат қилишади. Таниқли санъаткорлар ижросида концертлар томоша қиладилар.

Алқисса, сиҳатгоҳ ўзининг табиий қулайлиги, жозибаси ва оромбахшлиги билан мамлакатимиздаги энг яхши шифохоналардан биридир. Даво истаб, сиҳатгоҳ дарвозасидан ҳорғин одимлаб келадиганлар кўп ўтмай бу ердан шоду хуррам кайфиятда чиқиб кетадилар. Буни кўриб дил яйрайди ва улар қалбидаги «Садағанг кетай, Ботаника! Мен сендан даво топдим» деган миннатдор даъватга қўшилгинг, бунинг учун кечани - кеча, кундузни - кундуз демай, эл соғлиги йўлида курашаётган фидойи шифокорларга минг марта таъзим бажо қилгинг келади. Ҳа, улар таъзимга ва таҳсинга лойиқ.

**А.АБДУРАСУЛОВ**
**Сурхондарё вилояти**

# ИБРАТЛИ РИВОЯТ

Шаҳар ҳаётини транспортсиз ўзбекча қилиб айтганда, уловсиз тасаввур қилиш қийин. Бу уловлар кимни ишга, кимни ўқишга, яна кимларнидир истироҳат боғларига элтади. Мен ҳам иш юзасидан бир автобусга чиқиб қолдим. Орқа ўриндиқлардан жой ҳам тегди. Кейинги бекатдан соч-соқолига оқ оралаган мўйсафид киши чиқди, у кишига ҳам мени ёнимдан жой тегди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Суҳбатимиз мавзуси асосан ўқитувчилар ҳақида бўлди.

У кишининг гаплари ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Суҳбатимизга бир ривоят ҳам қўшилдики, ушбу ривоятни эшитган киши беихтиёр ўйга толади. Қадимда бир файласуф бўлган экан. Донишмандликда шу қадар тенги йўқ эканки, унинг панду насиҳатлари ихлосмандлари учун қонун тусига кириб қолган экан. Ана шу донишмандга бир аёл ва унинг ўғли ҳам ихлосманд экан. Ўғил жуда мўминқобил экану, аммо жуда кўп бўза ичаркан. Онаси ҳар қанча уни бу йўлдан қайтармасин, донишманд ичкилик ҳақида ҳеч нарса демаганлигини рўкач қилиб, ярамас одатини тарк этмас экан. Охир- оқибат аёл ўғлини олиб донишманд ҳузурига йўл олибди. Етиб боргач, донишмандга ўз дардини айтиб, ўғлини бу йўлдан қайтаришни, унга насиҳат беришни ўтиниб сўрабди. Лекин донишманд насиҳат беришга унамабди, бундай насиҳат беришга нолойиқман дея эътироз билдирибди. Аёл эса ўғли бу йўлдан қайтмаса аҳволи ёмон бўлишини, бу ерга хачирда бир ой йўл босиб келганлигини, ноумид қилмаслигини ҳамда ўғлини бу йўлдан фақат донишмандгина қайтара олишини айтиб насиҳат беришни ўтиниб сўрабди. Донишманд ўйлаб-ўйлаб насиҳат беришга қарор қилибди. Ичкилик ҳақида унинг ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида насиҳат қилибди, шундан сўнг уларга жавоб берибди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, аёл яна келибди. Насиҳат ўғлига таъсир қилмаганлигини айтиб, донишманддан кучлироқ насиҳат қилишини сўрабди. Донишманд бу сафар ҳам насиҳат қилибди-да уларга жавоб берибди. Орадан кунлар ўтиб аёлнинг ўзи қайтиб келибди, ўғли бутунлай ичмай қўйганлигини айтиб донишманддан хурсандлигини билдирибди. Кетар чоғида донишманддан ўғли нима учун биринчи насиҳатга амал қилмай кейингисига амал қилганининг сабабини сўрабди. Донишманд дебди: Мен биринчи насиҳат қилганимда ўзим ҳам бўза ичардим, буни ўғлинг биларди, ўзим ичиб туриб уни бундан қайтаришим ўғлингга хуш келмади. Буни мен сезган эдим насиҳатимга ўғлинг амал қилмаслигини ҳам билардим. Яна сенинг қайтиб келишингни англаб етдим. Оралиқда ўзим бўза ичишни бутунлай ташладим. Иккинчи келишингда эса, ёруғ юз билан ўғлингга насиҳат қилдим, ўғлинг ҳам уни қабул қилди. Мен шу вақтгача кимга нимани ман қилиб маслаҳат берсам аввало ўзим шунга амал қилардим. Агар амал қилмасам эди менинг сўзларим даражаси улуғ бўлмасди. Ҳеч ким мени донишманд деб тан ҳам олмасди. Буни ўғлинг мисолида ҳам кўрдинг. Шунинг учун биринчи келганингда насиҳат беришга нолойиқман дея сени огоҳлантирган эдим. Сен бўлсанг буни тушунмадинг. Зеро, ишонтириш учун ишониш керак. Ўзинг ишонмаган ҳақиқатга ўзгаларни қандай ишонтирасан.

Ривоят шу тариқа тугади, ҳамсуҳбатим манзилига етди. Мен эса йўл-йўлакай ушбу ривоятдаги донишмандни негадир ўқитувчиларга таққослагим келаверди... Шу тобда ёдимга устоз Абдулла Қаҳҳорнинг қуйидаги гаплари келади «Куйинтириш учун куйиниш, ардоқланиш учун ардоқлаш керак...».

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон!

**Абдуҳамид МУХТОРОВ**

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси Ахборотлаштириш ва стандартлаштириш кафедраси катта ўқитувчиси Малоҳат Нажмуддиновага отаси**

**Нажмуддин ҚЎШАҚОВ**

**вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.**

**Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоаси вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи О.А.Тожиевга ўғли**

**Д Е Н И Снинг**

**бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Маърифат» газетаси жамоаси Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.А.Тожиевга ўғли**

**Денис ТОЖИЕВнинг**

**бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Алишер НАЗАРОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0251. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-18.30. Г. 123456